

НОГИРОНЛАР ҲАМ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА

фаол иштирок этишни иштади

Хабарингиз бор, шу йил 1 август куни «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармойиши эълон қилинди. Унда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлар қониқарли эмаслиги таъкидланди.



Абдуллоҳ АБДУХАЛИЛОВ,
Ногиронлар жамияти
касаба уюшмаси
раиси ўринбосари:

— Қонунчилигимизга ногиронлар ҳуқуқлари билан боғлиқ ўзгариш киритилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Бу борада биздан ҳам таклиф сўралди. Фикримизча, тизимли ўзгаришлар амалга оширилиши керак.

Бизнингча, қонунчилигимизга универсал дизайн тўғрисида меъёр киритиш керак. Савол туғилади: бу нимага керак? Масалан, барчангизда богичлар ўрнига ёпиштириб тақиладиган оёқ кийим бор. Булар оёқ кийим ипини боғлашда қийналадиган кўзи оғизлар учун жуда қулай. Охириги пайтларда сенсорли жўмаклар оммалашиб кетди. Бу ҳам ногиронларни ўйлаб жорий этилган. Яна қўллаб-қўлланган келтириш мумкин. Асосийси, ногиронлар учун мўлжалланган маҳсулотлар тезда оммалашиб, барчага бирдек манзур бўлмоқда. Бизнинг истагимиз инклюзив жамият, яъни барча учун бирдек қулай бўлган жамиятни шакллантиришдан иборат.

Тўсиқсиз муҳит давлат дастурини яратиш масаласи ҳам жуда муҳим. Бу нафақат йўлда юриш, пандуслар ёки яна бошқа масалаларда, балки ахборот олиш билан ҳам боғлиқдир.

Мисол учун, бир кўзи оғиз одам кредит олиш истагида банкка кирса, у кредит имкониятлари билан таниша олмайдми. Сабаби, кўзи оғизлар учун аудио ёки брайль форматда маълумот йўқ. Бу каби ҳолатларни барча соҳа мисолида кўришимиз мумкин. Тўғри, бу дастурни амалга ошириш қийин. Ишлаб чиқишнинг ўзи мураккаб. Лекин тақлифларимиз амалга ошса, ногиронларнинг қўллаб-қўллангани ҳал бўларди.

Яна бир муҳим масала. 1995 йилдан бери мамлакатимизда инклюзив таълим бўйича лойиҳалар ишлаб келинади. 22 йилдан бундан беш йилга кетганда иккинчиси келади ва уларнинг ҳаммаси тренинг билан бошланиб, тренинг билан тугайди. Нима учун шундай? Нега амалиётга ўтилмапти? Чунки бизда бу бўйича аниқ стратегия йўқ. Шунинг учун ҳам биз қонунчиликка бу йўналишдаги меъёрларни тақлиф қилмапмиз. Сабаби, нафақат оддий инсонлар, балки давлат хизматчилари ҳам инклюзив таълим билан интегратив таълимнинг фарқи бормаяпти.

Масалан, бирор бир мактабнинг биринчи қаватидаги битта хонага 3-4 нафар ногирон болани олиб келиб ўтқизиш қўйди ва инклюзив мактаб очдик, дейишди. Бу интегратив таълимга кирди. Бу табииётдан заиф боланинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. «Нега мен бошқалар каби 3-қаватга чиқа олмаيمان? Нега спорт залига киролмаيمان?», деган саволлар унинг руҳиятини синдириб қўйиши мумкин. Зеро, инклюзив мактаб тўсиқсиз бўлиши керак. Шунингдек, ёрдамчи педагогларга эҳтиёж катта. Айтилик, ўқитувчи дарс вақтида доскага ёзади, расм чизиб орқали мавзунини тушунтиради. Кўзи оғиз, заиф эшитувчи болаларга синфдаги жарабани тушунтириб берувчи ўқитувчи бўлиши керак.

Бу каби камчиликлар коллеж ва лицейларга, олий ўқув юртраига ҳам бирдек алоқадор. Охириги пайтларда инклюзив синф, деган ибора ҳам қўлланилмоқда. Аслида инклюзив синф бўлмайдми. Агар таълим муассасасида пандус, лифт ўрнатилса, бошқа хоналар ҳам барча имконият ва эҳтиёжлар учун мақбул бўлса, ўзаро тенглик юзага келади. Бунинг учун халқро андозаларга мос меъёрлар жорий этилиши керак. Бизнинг орзуимиз ҳам, истагимиз ҳам мана шунда.

ЭЗГУ ТАШАББУСНИНГ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузасини ўқиб...

Халқимиз азалдан маърифатпарвар, маданият ва санъатга ошно. Бу юртда санъат намоёндалари ҳамisha ардоқда бўлган. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Исмоил Каримов соҳа вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимиз равишга кенг йўл очган эди. Бугун бу анъана янгича асосда ривожлантирилмоқда.

Давр шиддати барча соҳалар қатори ижодий йўналишдаги ишларимизни ҳам янги раҳнада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Давлатимиз раҳбари шу йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда бу борадаги мавжуд муаммолар, ечимини қўлга келтириш масалалар юзасидан долзарб тақлифларни илгари сурди.

Улардан бири — ижодий ташкилотларнинг «дўстлари клублари»ни ташкил этиш масаласи. Халқимиз «сахийлик ва

ҳомийлик ишларини кенг қилсанг, ҳам бўлмайсан», дейди. Бу ҳомийлик маърифат йўлида кечса, янада муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри мамлакатимизнинг йирик маънавият масканларидан. Отаҳон театр сахнасида қўллаб-қувватлаш тарбияланди, улар яратган ўлмас образлар ҳозир ҳам халқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятини бойитишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугун театрда 220 дан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Улар орасида 12 Ўзбекистон халқ артисти фаолият юритмоқда.

Театр жамоаси олдида улкан вазифалар, олий мақсадлар турибди. Бу йўлда уларни қийнаётган муаммолар, мавжуд камчиликларни ҳал этишда, ижодий жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда «Ўзкимёсанот» акциядорлик жамияти ташаббус билан чиқиб, ҳомий сифатида ҳамкорликни йўлга қўймоқчи.

— Президентимиз билан учрашув бизда жуда катта таассурот қолдирди. Учрашувда бугун ижод аҳлини йўналиштириб келаятган барча масалалар батафсил муҳокама қилинди, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулло Маъсудов. — Шу йўналишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий аҳамиятга эга тақлифи барчамизни хурсанд қилди. Унга қўра, театримиз ва «Ўзкимёсанот» ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Энди ушбу ташкилот билан биргаликда мавжуд муаммоларимизни ҳал этамиз. Бу бизнинг олдимиздаги масъулиятли вазифаларни ҳал этиш имконини яратди. Булар нималар? Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бугун замонамиз қаҳрамонлари образларини яратишимиз керак. Демак, репертуаримизни янгилангиз. Бунда асосий эътибор, аввало, драматурглар билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилади. Яна бир муаммо

— театримизни таъмирлаш ишларини охиригача етказиш, актёрларга етарли шaroит яратиш. Кичик сахнамиз бор. Уни ҳам бугунги кун талабларига мос таъмирлашимиз лозим. Президентимиз билан учрашувдан сўнг кўнглимизга жуда кўп мақсадларни туғиб қўйдик. «Шу азият Ватанимиз учун нима қилдик?» деган саволни яна бир бор ўзимизга бердик. Энди ҳаракатларимиз, ишмиз ва амалимиз бизга берилган катта имкониятларга муносив бўлади.

— Ватанимизга, халқимизга хизмат қилиш, ислохотларимизга ҳамоҳанглик руҳида яшаш — олий бурчимиз, — дейди «Ўзкимёсанот» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдухўшим Абдуллаев. — Президентимизнинг ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувни қўллаб-қувватлашга қанот бўлди. Биз Ўзбек Миллий академик драма театрига ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқдик. Президентимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Бундан мақсад Миллий театр жамоасини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини яхшилаш билан бирга, жамоамизнинг маънавиятини ҳам юксалтиришдан иборат. Биз қайси касб эгаси бўлмайми, мақсадимиз бир: шу юрт равнақи учун биргаликда хизмат қилиш, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш. Бу маънавиятимизни юксалтиришдан бошланади. Шу маънода, биз барча имкониятларимиздан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Президентимизнинг ижодкор зиёлилар билан учрашуви маданият, санъат, адабиёт ва оммавий ахборот воситалари ривожидан муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, уларга катта масъулият ҳам юклайди. Бугун ҳаёт лоқайдлик билан яшаётган ҳеч кимни кечирмайди. Демак, сўзимиз ҳам, амалимиз ҳам шунга монанд бўлиши зарур.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларида

Миробод туман партия кенгаши «Мовароуннахр» маҳалла фуқаролар йиғинида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда тегишли идоралар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган тадбир ўтказди. Унда Миробод туман ички ишлар бошқармаси ва партия масъул ходимлари, ҳудуддаги ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Бола тарбиясига ҳамма бирдек масъул



Санжар ШОТУЛЛАЕВ оғли сўз.

Тадбирни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Тожибоев очди ва кун тартибидagi масала юзасидан фикрларини билдирди. Ушмомаган ёшлар билан ишлаш, уларни йўналиштиришга қўллаб-қувватлаш, уларни ишга жойлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Қонунчиликда белгиланган меъёрлардан хабардор бўлган, у қайсидир ташкилотга бемалол иш сўраб бора олади, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олади.

Яна бир гап. Имконияти чекланганлар ўқийдиган коллежларни битираётган ёшлар ишлаш учун шароит яратиш керак. Ногиронларнинг аксарияти қайсидир ташкилотга иш сўраб борса, иш ўринларимиз қисқарди ёки бўш иш ўрни очилиши билан сизга хабар берамиз, деган гапларни эшитади. Бу эса уларнинг руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди.

Партияимиз электорати вакиллари билан учрашувда бир масала кўтарилди. Биламизки, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига ишга яроқсиз, деган ҳужжат берилади. Лекин улар орасида қўлидан иш келадиганлари ҳам бор. Улар идора ва ташкилотга иш сўраб борса, ушбу ҳужжатни баҳона қилиб ишга олишмас экан. Ваҳоланки, бундай кишилар орасида етук иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, педагоглар бор. Ёки айтилик, оёғи ишламайдиган киши қўллари, ақлий салоҳияти билан кўп ишларни бажариши мумкин. Балки шу масалада қонунчиликка ўзгариш киритиш керакдир, деган фикрлар билдирилди. Агар чуқур мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, бу тақлиф жуда ўринли.

Бу масала бевосита партияимиз Сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлгани учун фракцияимиз соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш устида иш олиб бормоқда. Ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш, лозим топилганда, парламент эшиттувлари ташкил этиш бўйича чоралар ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса шунки, ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятлар яратиб бериш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамиятда ижтимоий мувоzanатни сақлаш, ижтимоий адолат принципини қарор топтиришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

Ўз мухбиримиз.

Электорат манфаати Меҳнат ярмаркаси

Қизилқум туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, ЎзХДП туман кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан Қизилқум қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда 120 дан ортиқ қорхона ва ташкилот 570 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. 45 нафар фуқаро иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашиш учун тўғридан-тўғри йўналишга эга бўлди. Иштирокчиларга меҳнат қонунчилиги бўйича тушунтиришлар берилди.

— Бандлигини таъминлаш борасида жойларда мунтазам равишда учрашув ва семинарлар ташкил қилинмоқда, — дейди Қизилқум туман бандликка қўмаклашиш маркази директори Асадулло Аннакулов. — Бу ишлар ўзининг амалий натижаларини берапти. Жорий йилда ҳудуддаги 9 та касб-хўнар коллежини 2 минг 356 нафар йигит-қиз тамомлаган бўлса, уларнинг муайян қисми қорхона ва муассасаларда ишламоқда. Учунчи бор ташкил қилинган меҳнат ярмаркаси ёшлар учун яна бир қўлайлик бўлди.

Жорий йилда туманда 3 минг 200 га яқин янги иш жойлари яратиш кўзда тутилган. Бу борада асосий диққат-эътибор йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган. Хўсуслиқ тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари тобора яхшиланимоқда. Боғдорчилик, асаларичилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишлари ривожланиш пиллапоясида. Қишлоққа саноатни олиб кириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Ана шундай изчил ислохотлар аҳоли бандлигини таъминлашда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қонунчилигимизга ногиронлар ҳуқуқлари билан боғлиқ ўзгариш киритилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасидаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган қурувчилар, меъмор ва муҳандисларни мустақил давлатимиз тарихида ilk бор нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кўни билан муборакбод этади.

Хурматли ҳамкасблар, айнан Сизнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси янгиланиб, ўзгача тароват касб эта бошлади. Республикаимиз ҳудудларида йирик саноат корхоналари, ижтимоий-маданий объектлар, йўллар, кўприклар барпо этилди. Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ва шарафли ишларингизда омад ёр бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, олдингизга қўйилган мақсадларни амалга оширишда куч-қувват тилаймиз. Жонажон Ватанимизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва осойишталиги бардавом бўлсин!



ТУХМАН БАЛОСИ

Ҳалол инсонларни обрўсизлантиришга уринган кимсаларнинг иғвоси фош этилди

Одамзод борки, ўзидан яхши ишлар, эзгу амаллар қолдиришга интилиб яшайди. Лекин баъзан инсон деб аталмиш рутбага мос келмайдиган ишларни қилаётганлар ҳам ҳаётда учрайди. Улар манфаат илинжида ўзгаларнинг ҳурматини, шаъни ва қадр-қимматини поймол қилишдан ҳам қайтмайди. Аслида инсон ўзига берилган мансаб-ваколатларни синов деб билиши, ҳақиқат масъулият ҳисси билан яшаши керак эмасми? Зотан, кўрган-кечирганларидан тўғри хулоса чиқариш, устозлар ҳурматини жойига қўйиш билан ҳар бир раҳбар ўзининг қимлигини кўрсатади. Мабодо тескариси бўлса, бунинг ҳам жавоби бор.

Халқимиз «Қайтар дунё», деб бежиз айтмаган. Тўғриси, ўзим эшитган ушбу воқеалар ҳақида ёзиш фикридан бир неча марта қайтдим. Лекин бундай ноқуш ҳолатлар такрорланмаслиги, одамларга, айниқса, ёшларга сабоқ бўлиши учун қўлимга қалам олдим.

Маҳмуд Хамидов 2014 йили Тошкент давлат стоматология институтини Самарқанд филиали директори бўлиб тайинланди. Аслида бу ўзини билган одам учун катта эътибор эди. Мазкур филиал илгари Самарқанд давлат медицина институтини стоматология факультети бўлган (бугун яна ушбу институт факультети ҳисобланади) учун бу ерда катта тажрибага, илмий салоҳиятга эга олимлар меҳнат қилиб келган. Янги раҳбар ўз фаолиятини филиал ишини ташкил этиш, жамоада соғлом муҳитни қорор топтириш, одамларнинг бошини бирлаштиришдан эмас, балки қўл остидаги ходимларни арзимоган баҳоналар билан ишдан четлаштиришдан бошлади. Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари аралашуви билан ноҳақ бўшатишлар яна ишга қайта тикланади.

Бирок филиал директори бундан тўғри хулоса чиқармайди, вазиятни баттар чигаллаштиради. Жамоадаги кўпни кўрган ходимларнинг маслаҳатига, йўл-йўриғига қўлоқ солмайди. Ишга тикланганлардан хато излаб, уларни йўқотиш пайида бўлади. Натижада филиалда носоғлом муҳит юзага келади, ҳақ-ҳуқуқи бузилаётган ходимлар турли ташкилотларга шикоят қилишади. Уларнинг аризасига биноан Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан филиалда текширув ўтказилиб, директор Маҳмуд Хамидовга нисбатан жиноий иш қўзғатилади. У ўлаштириш ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби ҳуқуқбузарликларни

содир этганлиқда айбланиб, суд томонидан жазога тортилади. Филиалдаги вазиятни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 июндаги №243 сонли буйруғи билан ишчи гуруҳи тузилади. Ушбу ишчи гуруҳга республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларининг масъул ходимлари жалб этилади. Ишчи гуруҳ филиал ишини ўрганиш натижасида жабрланувчиларнинг аризасида кўрсатилган вазият тўла-тўқис тасдиқланади.

Шу ўринда бир ҳолатга эътибор қаратсак. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тергов ва суд органлари томонидан Маҳмуд Хамидовга нисбатан киритилган тақдирнома ва чиқарилган акримлар юборилганига қарамайдан, унга ҳеч қандай чора қўрилмаган.

Бу орада Маҳмуд Хамидов Самарқанд давлат медицина институтини собиқ ходими Эргаш Қобилов билан ўзаро тил топишади. Улар ғараз ниятда ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилаётган филиал ходимлари ва бу зиддиятларга умуман дахли бўлмаган Самарқанд давлат медицина институтини раҳбарияти устидан тухмат ва бўхтондан иборат маълумотларни хорижий интернет сайтлари орқали тарқата бошлади. Уларнинг бу қилмишидан энди нафақат филиал жамоаси, балки Самарқанд давлат медицина институтини раҳбарияти ҳам азият чекади, одамлар тинчлиги, ҳаловатини йўқотади.

Самарқанд давлат медицина институтини маъмурияти ҳақиқатини қорор топтириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Суриштирув ўтказилиб, Тошкент давлат стоматология институтини Самарқанд филиали директори Маҳмуд Хамидов ва унинг ҳамто-воқлари Эргаш Қобилов ва Шухрат Ибрагимовга нисбатан жиноий иш қўзғатилади, айблов эълон қилинади.

Шу ўринда газетонларга тушунарили бўлиши учун масаланинг айрим жиҳатларига ойдинлик киритсак. Маҳмуд Хамидов ва унинг атрофидагилар устозларидан ўрганиш, Самарқанд давлат медицина институтини яратилган халқаро талабларга мос таълим-тарбия қараёни, илмий салоҳият, замонавий ўқув дастурлари ва илмий мақолаблар аъёнларидан андоза олиш ўрнига нафақат раҳбарлик, балки инсонийлик шаънига ҳам тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланиб келган. Маҳмуд Хамидов Эргаш Қобилов ва Шухрат Ибрагимов билан аламзадаликданми, Самарқанд давлат медицина институтини жамоасига қарши

турли-туман иғволар тарқатиш, институт раҳбариятини обрўсизлантириш, жамоатчилик ўртасида салбий фикр уйғотиш режасини ишлаб чиқади.

Ёмон иш, кўролмаслик ҳеч кимга ҳеч қачон наф қелтирмаган. Халқимизда «Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер», деган мақол бор. Афсуски, Маҳмуд Хамидов ва унинг жиноий шेरликлари бундай ҳикматнинг маъно-мазмунини ўйлаб ҳам кўрмаганга ўхшайди.

Иғвогарлар тарқатган бўхтонлар ҳалол инсонлар шаъни, қадр-қимматини пасайтира олмайди. Самарқанд давлат медицина институтини раҳбарияти, қандай иш олиб бораётгани, уларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати бугун халқаро доираларда ҳам тан олингани, эътироф этилганини жамоатчилик яхши билади.

2016 йил 12 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Иштихон туман суди томонидан Маҳмуд Хамидов ва Шухрат Ибрагимовлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси 3-қисми «а», «г» ва 140-моддаси 3-қисми «а» банди билан, яъни тухмат ва ҳақорат қилганлиқда айбдор деб топилиб, ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланди. Жиноий гуруҳнинг асосий ташкилотчиси Эргаш Қобилов ҳам жазосини олди.

Эргаш Қобилов етти-саккиз йиллар олдин ҳам Самарқанд давлат медицина институтини ректори устидан талабалар номидан юқори ташкилотларга тухматдан иборат имзосиз хатлар ёзган эди. Ушунда унинг имзоларни сохталаштиргани суд экспертизаси хулосаси билан исботланган. Шундан сўнг у вилоят прокуратураси томонидан расман огоҳлантирилган эди.

Тўғри, тухматчилар ўз жазосини олди. Аммо бу иғво оқибатида қанчалар одамлар руҳий азоб тортиди, вақтини, саломатлигини йўқотди.

Ҳадиси шарифда «Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни йўлбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки уларнинг камчилигини қидирса, Оллоҳ Таоло ўша одамнинг камчилигини қидиради. Оллоҳ кимнингки камчилигини қидирса, унинг шармандасини чиқаради», дейилган.

Таълим даргоҳида юз берган ушбу ноқуш воқеалар барчамизни ўйлашга, хулоса чиқаришга ундайди. Жамиятимиз барқарорлигига раҳна солаётган ғаразғўйлик, ҳасад, фисқ-фасод каби иллатлардан қанчалик тез қутулсак, шунчалик тараққий этамиз, ривожланамиз...

Фаррух ҲАМРОЕВ

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)	Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	Тошкент шаҳри
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+32/+20	+35/+24	+33/+23	+30/+20
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+33/+20			
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+33/+20			

«Агробанк» АТБ жамоаси банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходими Бўронбой Розиковга волидаи муҳтарамаси
Гулжамол аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838

9336

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:45

Topshirilgan vaqti — 23:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

772030763006

1 2 4 5 6